КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ.

№ 145 (5494).

25 ИЮЛЬ

ЖУМА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ—СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўзбекистон Компартияси область комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область Совети область шаҳарлари саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақасининг 1975 йилнинг иккинчи кварталидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Иккинчи квартал якунлари бўйича Янгийўл шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари социалистик мусобақа ғолиби бўлишди. Шунинг учун Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари область Советининг кўчма Қизил байроғи яна **Янгийўл шаҳрида** (Ўзбекистон КП шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. И. Рибалко,** шаҳар ижроия комитетининг раиси **З. Ф. Эрназаров,** касаба союзлари шаҳар Советининг раиси **Н. Г. Кожохина** ўртоқлар) қолдирилди.

Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари коллективлари якунловчи йилнинг иккинчи кварталида маҳсулот реализация қилиш планини 106,9 процент, меҳнат унумдорлигини ошириш планини 101,1 процент, қурилиш-монтаж ишларига ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш планини 109 процент ва асосий фондларни ишга тушириш планини 152 процент қилиб бажаришга эришдилар. Ўтган беш ой ичида товар маҳсулотлари таннархини камайтириш ҳисобига 443 минг сўм маблағ иқтисод қилиб қолинди. Шунингдек, йил бошида кабул қилинган социалистик мажбуриятга қўшимча 1053,3 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Шаҳар партия комитетлари, шаҳар ижроия комитетлари ва касаба союзлари шаҳар Советларига биринчи ярим йилликда социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини чуқур таҳлил қилиш, айрим корхоналарнинг қолоқлик сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун зудлик билан чоралар кўриш, бошланғич партия ва касаба союз ташкилотлари билан биргаликда КПСС XXV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун зарур ташкилий ишларни амалга ошириш таклиф этилди.

ЧЕКАНКАНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗАМИЗ

Дала оралайман. Кўм-кўк кўчатларга разм соламан. Деярли ҳаммаси теп-текис ўсган. Айниқса ғўзанинг пастки бўғинларидан туртиб чиққан шохларда кўсаклар маржондек осиб қўйилганга ўхшайди. Уларнинг тўрт-бештаси етилган. Ўтган ҳафтада очилган гуллар эндиликда ёнғоқдек бўлиб қолди.

Ҳа, деҳқон ғўзага ишлов берган сари унинг илдизи мустаҳкамланиб, шохига шох қўшаверади. Асосий майдонлардаги ғўза шохлари эндиликда 13—14 тага етди. Айни муддао! Бундай ғўзаларни тезда чеканка қилиб, ҳосилини кўпайтириш шу кундаги энг муҳим ва масъулиятли вазифалардан биридир.

Бир ярамас одат бор: ғўза учларини чилпиб, этакка солинмайди, ташқарига чиқарилиб, қуйдириб юборилмайди. Бунда ғўза зараркунандалари ҳадеганда камаявермайди. Ғўзанинг ён шохлари чала ёки расмият учунгина чеканка қилинади, баъзи шохлар ғовлаб кетиб, мутлақо ҳосил бермайди. Ана шундай аҳвол такрорланса, биргина чеканка қилишдаги йўл қўйилган камчиликларнинг ўзидан ҳосил камида икки процентгача камайиб кетиши ҳеч гап эмас. Биз буни ҳисобчиларнинг яқиндан ёрдами туфайли тушуниб олдик.

Эндиликда бригада деҳқонлари ғўзани чеканка қилишни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Далада 50 пахтакор ишлаяпти. Уларнинг деярли ҳаммаси чеканкада банд. Ғўзани машина ёрдами билан чилпиб, кейин қўл кучини ҳам ишга соляпмиз.

Биз бажарилаётган ишларни картама-карта юриб, кўздан кечирамиз. Сифатига қараб, баҳо беряпмиз. Чеканкани бир марта эмас, вақти-вақти билан бир неча марта ўтказишга аҳд қилдик. Ана шундай қилинганда, ғўзалар ғовлаб, сербарг бўлиб қолмайди, ҳосилни кўпайтиради. Юқори шохларда ҳам ҳосил кам бўлмайди. Гул шонани кўпайтириб, ҳар бирида яна қўшимча 4—5 тадан кўсак тўплашга ҳаракат қиляпмиз.

Правление кўрсатмаси билан чеканка қилинган майдонларда ишлаганлар учун ҳақ тўлаш тартибига солинди. Чеканкадан чиқарилган гектарлар ҳисобига эмас, бажарилган ишнинг сифатига қараб ҳақ ёзилмоқда. Бунинг фойдаси кўп экан. Бу ҳар бир кишининг ишга бўлган масъулиятини яна ҳам оширди, меҳнат интизомини мустаҳкамлади.

Мусобақа кенг қулоч ёйган жойда иш унумдорлиги ошаверади. Буни бизнинг бригадамиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳар бир иш юзасидан тузилган график ортиғи билан бажарилянти. Шартномага мувофиқ салкам 200 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштиришимиз керак. Колхозчиларимиз республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатини моддама-модда муҳокама қилиб чиқиб, тўққизинчи беш йиллик планни яхши якунлашга сўз бердилар. Шу мақсадда оширилган мажбурият қабул қилдик. Пландан ташқари гектар бошига ҳосилдорликни саккиз центнерданға кўтариб, ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта топширишга бел боғладик.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бригадамиз аъзолари меҳнаткаш, эришилган ютуқлар билан мағрурланмайдиган, камтар кишилардир. Улар йиғим-терим бошлангунга қадар экинни меҳр билан парвариш қилиб, ҳосилга-ҳосил қўшиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Бир киши ўзининг қилган ишигагина эмас, ҳамкасбининг ҳам бажараётган ишининг сифати устидан кўз-қулоқ бўлиб турибди. Ғўза парваришни ҳам оби-тобида ўтказилмоқда.

Мажбуриятни бажариш учун курашган бригада аъзолари қатор ораларига уч марта сув бердилар. Бу вақт ичида ҳар бир кўчат қониб сув ичди. Карта бошидаги кўчатлар чанқатиб қўйилмади. Картанинг охиридаги ғўзалар эса кўлланилиб, зах бостирилмади. Бунда тажрибали сувчимиз Асад Бобожоновнинг хизмати катта бўлди. У кундуз кунларн қаторларга сув таради, тунн билан мижжа қоқмай, сувнинг оқишини кузатиб борди. Ўртоқ Бобожонов суғорган карталардаги ғўзалар чанқаб гулини тўкмади. Ер етилишн билан дарҳол культивация қилинди. Ҳозир ғўзани олтинчи марта культивация қилишга киришдик. Яқин кунлар ичида бу иш ҳам ниҳоясига етказилади. Ёш механизатор комсомол аъзоси Сотиболди Ширинбетов ғўзанн ҳар ўн кунда бир мартадан культивация қилиб, озиқлантиришга муваффақ бўляпти.

Мен ўтган кунн у билан гаплашиб қолдим. «Культиваторларга дам бермайман, ой охиригача яна бир марта ғўзани озиқлантириб, культивациядан чиқараман», дедн. У айтганини қиладнган йигит. Август ойида тракторларнинг олдига тўсиқлар ўрнатиб, ғўзанн вақти-вақти билан культивация қилажагини айтдн.

Бизда кечки ғўзалар бўлмайди. Эрта пншар пахта етиштиришга ҳаракат қиляпмиз. Сентябрнинг биринчи ярмида пахтаннг тўла очилиб етилишга эришамиз. Машинанинг биринчи терминнг ўзидан планни бажаришга ҳаракат қиляпмиз.

КПСС XXV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашаётган бригадамиз коллективи социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб, мусобақада ғолиб чиқиш учун ғайрат кўрсата беради.

Эрмат УСМОНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги «Северний маяк» колхозининг бригада бошлиғи.

Оққўрғон районидаги «Коммунизм» колхозининг Х. Тўрахўжаев бошлиқ бригада аъзолари гектаридан 55 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи билан колхоз бош агрономи Н. Акбаров ғўза ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

Н. Тўраев фотоси.

ФАЙЗЛИ ДАЛАЛАР

Совхоз марказидан ўнгга бурилиб 2-бўлимга етиб келдик. Бизга бўлим бошқарувчиси Абдусамат Бўриқулов ҳамроҳ бўлди. Биргаликда дала айландик. Вақтида суғорилиб, культивация қилинган, озиқлантирилган ғўзалар ёз қўёшидан баҳра олиб, барқ уриб яшнамоқда.

Бўлим пахтакорлари якунловчи йилда 645 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Меҳнат камарини ҳар йилгидан маҳкам боғлаган бўлим ишчилари бу йил она-Ватанга пландаги 26,6 ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» тортиқ қилишга сўз берганлар.

Бўлимнинг Эмин Рўзиев, Ҳайитқул Самандаров, Эрмек Пермонов ўртоқлар бошлиқ бригадалари пахтакорлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг социалистик мусобақани авж олдириш ҳақидаги Мурожаатидан руҳланиб, партия XXV съезди шарафига ҳосилдорликни 42—50 центнерга етказиш ниятида ғайрат билан ишламоқдалар.

Моҳир механизаторлар Жаббор Қодиров, Исмоил Бўриқулов, Бобораим Равшанов, Ҳаким Шарипов кабилар кунига 8—10 гектар майдондаги ғўза қатор ораларига сифатли ишлов берса, Йўлдош Рўзиев, Муқим Аҳмедов, Холиқназар Худойназаров, Иноят Хўжақулов, Худойқул Ибрагимовдек мриншкор сувчилар ҳар куни 1,5—2 гектар майдондаги ғўзаларни қондириб суғоришмоқда. Ғўзаларга учинчи сув қўйилмоқда. Саҳий пахтазорлардаги ғўзалар ҳосили кун сайин кўпайиб бормоқда.

О. ТЎРАҚУЛОВ,
Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхознинг 2-бўлими.

СОВЕТ ВАТАНИНИНГ ШОН-ШУҲРАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

«СОЮЗ-19» КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ ТАНТАНАЛИ РАВИШДА КУТИБ ОЛИНДИ

Космосга қилинган ҳар бир парвоз — космонавтлар астойдил меҳнати ва мардлигининг йиғиндиси, кўпгина коллективлар ва ташкилотлар фидокорона меҳнатининг натижасидир. Шу боисдан космик экспериментнинг муваффақиятли тугалланиши уни тайёрлашда ва ўтказишда иштирок этганларнинг ҳаммаси учун ҳамиша хурсандчилик ва байрамдир.

23 июль куни Москва яқинидаги аэродромда ҳам худди ана шундай бўлди. Биргаликдаги Совет — Америка «Союз — Аполлон» экспериментининг бутун программасини муваффақиятли равишда бажарган «Союз-19» кемасининг экипажи икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, СССРнинг космонавт учувчилари авиация генерал-майори Алексей Архипович Леонов билан техника фанлари кандидати Валерий Николаевич Кубасовни тантанали суратда кутиб олмоқ учун олимлар, конструкторлар, мутахассислар, космонавтлар, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективларининг, министрликлар, идоралар, пойтахт жамоатчилиги намояндалари бу ерга келдилар. Уларнинг ҳаммасининг кайфиятлари чог.

Ҳаво лайнери аэропорт ёнига келиб тўхтайди. Космос қаҳрамонлари Алексей Леонов билан Валерий Кубасов самолёт зинапоясидан тушиб келадилар. Улар Ватан топшириғини шараф билан бажардилар. Улар бу билан фахрланадилар ва ўз шодликларини яшираётганликлари йўқ. Ҳозир бўлган кишилар космонавтларни қизғин қарсаклар билан кутиб оладилар, пионерлар уларга гулдасталар тақдим этадилар.

Алексей Леонов билан Валерий Кубасов қизил пойандоздан шаҳдам қадам ташлаб парвоз раҳбарлари ёнига келиб,—парвоз бажарилди! деб маълум қиладилар. Космонавтларнинг, конструкторларнинг, инженерларнинг — «Союз—Аполлон» халқаро программаси совет томонининг топшириқни муваффақиятли бажаришни таъминлаган барча кишиларнинг қарийб уч йил давомидаги қизғин иши ана шу қисқа рапортда ўз ифодасини топган. Парвоз жуда соз тугалланди — экипаж космосда олти кун давомида бенуқсон ишлади.

Парвоз раҳбарлари, олимлар, космонавт учувчилар, мутахассислар, космонавтларнинг қариндош-уруғлари, дўстлари космонавтларни маҳкам қучадилар.

Автомашиналар кортежи Звёздний томон йўл олади. Бу ердэ «Космик» шаҳарча кўчаларида ва майдонларида унинг юзлаб аҳолиси тўпланган. Улар «Союз-19» экипажини давомли қарсаклар билан, эсонмон қайтиб келганлигинга билан! Балли шоввозлар! Жуда соз ишладингиз! деган табрик сўзлари билан кутиб оладилар.

Алексей Леонов билан Валерий Кубасов коинот кашшофи Ю. А. Гагарин ҳайкали ёнига келиб унинг супасига гуллар қўядилар. Космонавтлар честь бериб, космосга биринчи бўлиб у очган йўл совет ватанининг шон-шуҳрати йўлида йил сайин кўпайиб бораётганлигини бамисоли ўз дўстларига маълум қиладилар. Юрий Гагарин А. Леонов билан В. Кубасовни уларнинг дастлабки орбитал парвозига кузатиб қўйганди, жонажон ерда кутиб олганди ва космосни ўзлаштиришда уларга янгидан-янги муваффақиятлар тилаган эди.

Ҳозир бўлган кишилар қаҳрамонлар ҳиёбонидан юриб маданият уйи ёнидаги майдон томон йўл оладилар. Маданият уйи қизил байроқлар ва «Тарихда биринчи халқаро космик экспедиция қатнашчиларига оташин саломлі» сўзлари ёзилган транспарант билан безатилган эди.

Тантанали митинг бошланади. Совет Иттифоқи давлат гимни янграйди.

Митингни Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг бошлиғи, авиация генерал-майори Г. Т. Береговой очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри А. А. Гречконинг табрикномаси ўқиб эшиттирилади. А. А. Гречко ўзининг бу табрикномасида экипажни парвозни муваффақиятли тугаллаганлиги билан, унинг командири А. А. Леонов эса унга икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони ва авиация генерал-майори ҳарбий унвони берилганлиги билан ҳамда В. Н. Кубасовни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганлиги билан қутлади.

— «Союз-19» кемасининг парвози, — дейди, — «Союз—Аполлон» лойиҳасининг совет томонидан директори профессор К. Д. Бушуев,—биргаликдаги Совет—Америка программаси жиҳатидан ҳам, шунингдек мустақил учиш жиҳатидан ҳам бекамі-кўст ўтди. Парвознинг бутун илмий-техникавий ва медицина биологик программаси тўлиқ бажарилди. Космонавт учувчилар Алексей Леонов билан Валерий Кубасовнинг бу соҳадаги хизмати жуда каттадир. Улар техникани жуда яхши билганликлари учун мардлик ва матонат кўрсатдилар.

КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп Москва области меҳнаткашлари номидан «Союз-19» экипажини самимий қутлади.

СССР ва АҚШ экипажларининг биргаликдаги парвози, — деб таъкидлади ўз нуткида совет космонавтларини тайёрлаш раҳбари авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов, халқаро кескинлик юмшаган бир шароитда мумкин бўлди. Партия XXIV съезди қабул қилган тинчлик программасини сабот билан амалга ошираётган Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясининг, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг изчиллик билан ўтказиб келаётган доно сиёсати туфайли кескинликни юмшатишга эришилди.

Митинг қатнашчилари космонавтлар А. А. Леонов билан В. Н. Кубасовнинг нутклрини қизғин қарсаклар билан кутиб олдилар. Улар парвоз тўғрисида қисқача гапириб бердилар. Космос қаҳрамонлари Ватан космонавтикасини, совет фанини ривожлантиришга доимо катта эътибор бераётганликлари учун, «Союз-19» экипажининг аъзолари сазовор бўлган Ватаннинг юксак мукофотлари учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур билдирдилар. Космонавтлар биргаликдаги Совет—Америка экспериментини тайёрлашда ва амалга оширишда уларга ёрдам берган кишиларнинг ҳаммасига ташаккур изҳор этдилар.

Байқўнғир космодромининг вакиллари А. Леонов билан В. Кубасовга ракета-космик комплексининг рамзий калитини топширдилар. Уларга Звездний шаҳарчасининг эсдалик медаллари ҳам топширилди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, Совет ҳукуматига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилиб, Ю. А. Гагарин номли космонавтлар тайёрлаш марказининг ходимлари, космонавтлар Ленин партиясининг XXV съездини меҳнатда янгидан-янги зафарлар билан кутиб оладилар, деб ишонтирдилар.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
А. РОМАНОВ,
Звездний шаҳарчаси.

ПУНКТ МАВСУМГА ШАЙ

Солдатское посёлкасидаги пахта тайёрлаш пункти 1973 йили ишга тушган эди. Ўшанда пункт фақат Киров номли колхоздан пахта қабул қиларди.

Ўтган икки йил ичида пунктда анча ўзгариш юз берди. Пункт майдони кенгайтирилди. Ишчи кучлари икки баравар оширилди. Натижада ўтган йили кўзда бу ерга бешта йирик хўжалик пахта топширди. Булар райондаги Волков номли, «Коммунизм» совхозлари, Энгельс номли, Киров номли, «Победа» колхозлари эди. Мана шу хўжаликларнинг пахтакорлари етиштирган 10477 тонна «оқ олтин» қабул қилиб олиниб, пахта тозалаш заводларига сифати ва сорти бузилмаган ҳолда етказиб берилди.

Бу борада 11 та ТЛХ—18 маркали транспортер, 12 та ТЛ маркали механизм, бунтдаги пахтани автомашиналарга юклайдиган 3 та агрегат ва 4 та ВС—10 маркали вентилятор жуда қўл келди.

Пунктда шу кунларда якунловчи йил ҳосилини қабул қилиб олишга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Юқоридаги механизмлар сифатли ремонт қилиб қўйилди. Бу йил пунктда пахта ташийдиган транспортлар учун қулайлик яратилди. Пункт ичидаги йўллар асфальтланмоқда. Бу ишни Янгийўлдаги 108-ПМК ишчилари бажармоқдалар.

Пунктни мавсумга шайлаш ишида Борис Когай, Эдуард Кан, Клавдия Смутилова, Ўрозгул Абубова, Мария Отабоева сингари ишчилар хизмати катта бўлмоқда. Тош-тарозилар, бунт майдончалари, ёнғинга қарши ишлатиладиган қуроллар шайлаб қўйилди.

Пункт ишчилари бу йил ўтган йилдагидан анча кўп ҳосилни қабул қилиб олиш учун барча чораларни кўриб қўйдилар.

М. САИДОВ.

«САЛЮТ-4»: «ФИЛИН»НИНГ СЎНГГИ НАЗАР ТАШЛАШИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 23 июль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станцияси ичидаги навбатдаги иш куни 23 июль Москва вақти билан соат 3 да тугади. Космонавтлар Петр Климук ва Виталий Севастьянов станция системалари ва аппаратларини консервациялаш операциясини давом эттирдилар.

Кун давомида астрофизика тадқиқотларнинг якунловчи цикли ҳам бажарилди. Рентгенли «Филин» телескоп-спектрометри ёрдамида Оққуш ва Қалқон юлдузлар туркумидаги рентген манбаларининг хоссалари ўрганилди. Телеметрия ахбороти маълумотларига қараганда, оққуш X-1 манбандан чиқадиган нурланишнинг бир неча катта учқунлари қайд этилди. Қалқон туркумида 2—10 килоэлектронвольт диапазонида стабил рентген оқими қайд этилди.

Экипаж иккала аъзосининг сиҳат-саломатлиги яхши, улар ўзларини яхши сезмоқдалар. Орбитал станция ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

«АПОЛЛОН»НИНГ ПАРВОЗИ

ХЬЮСТОН, УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 23 июль. (ТАСС махсус мухбири). Космосдаги Совет—Америка қўшма экспериментн якунловчи босқичга қадам қўймоқда: Американинг «Аполлон» космик кемаси 25 июлда ерга қайтиб тушиши лозим.

Маълумки, «Союз-19» космик кемаси муваффақиятли қўнишн билан «Союз—Аполлон» лойиҳаси бўйича совет томони программаси тўла бажарилди.

«Аполлон» мустақил программа асосида парвозини давом эттирмоқда. Астронавтлар Т. Стаффорд, В. Бранд ва Д. Слейтон астрономик, медицинавий, биологик ва бошқа илмий экспериментларни бажармоқдалар. Улар ер юзининг турли районларини фотосуратга олмоқдалар.

Учишни бошқариш марказида ўтказилган матбуот конференциясида маълум қилишларича, кема экипажи ўзини яхши ҳис этмоқда.

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ХЬЮСТОН, УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 23 июль. (ТАСС махсус мухбири). «Аполлон» космик кемасининг экипажи бугун орбитада матбуот конференцияси ўтказди. Америкалик астронавтлар «Союз-19» космик кемаси билан бирга учишдан олган таассуротларини айтиб бердилар.

Бу учиш иккала мамлакат жуда қийин ва мураккаб вазифаларни бажариш йўлида биргаликда ишлашлари мумкинлигини кўрсатди, деди Т. Стаффорд. Бу—экспериментнинг асосий ютуғидир. Учишга тайёргарлик давомида каттагина қийинчиликлар бартараф этилди. Бунинг маъноси шуки СССР билан АҚШ космик фазони тадқиқ этиш сингари мураккаб соҳада бундан буён ҳам ҳамкорлик қилишлари мумкин.

«Аполлон» экипажи совет космонавтлари билан бирга қилинган ишни қандай баҳолайди? Мутахассисларнинг шу ердаги ҳамкорлиги қандай роль ўйнади? Бу саволларга Т. Стаффорд бундай жавоб қайтарди: «Космонавтлар ва техник мутахассислар икки йил давомида бирга ишладилар. Космосда ҳам, ерда ҳам ҳамкорлик яхши бўлди, деб ўйлайман».

В. Бранд бунга қўшимча қилди: Биз совет космонавтлари билан чиқишиб қолдик, бир қанча экспериментларни бирга ўтказдик. Биз ҳозир улар билан яхши дўстлармиз, бизнинг ҳамкорлигимиз аъло даражада бўлди, албатта. Энг муҳими кемаларни туташтириш эди. Бу иш муваффақиятли ўтди. В. Бранд ердаги бошқариш марказлари учишни яхши таъминлаганлигини қайд қилди.

Т. Стаффорд шуни уқтириб ўтдики, учиш вақтида космосдаги қуткарув операцияларини бажариш имконияти амалий равишда синаб кўрилди. Совет ва Америка мутахассислари ишлаб чиққан туташтириш қурилмаси келгусида космосдаги турли операциялар учун ғоят қимматлидир, деди у. Сиёсий системалардаги тафовутлар АҚШ ҳам, СССР ҳам космосни ҳалқаро ҳамкорлик соҳаси деб билишларига тўсқинлик қилмаслигини Т. Стаффорд таъкидлаб ўтди.

«Бундай ажойиб ҳодисани мен аввал ҳеч қачон бошдан кечирмаган эдим», — деди В. Бранд. Ҳамма иш: кемаларнинг учирилиши ҳам, ернинг космосдан кўриниши ҳам, шунингдек бутун вазифани бажаришдаги энг муҳим иш — кемаларни туташтириш ва совет экипажи билан икки кунгача бирга ишлаш — ҳаммаси қойилмақом ўтди. Буларнинг ҳаммаси умрбод эсимдан чиқмайди».

◆ МУСОБАҚАДОШЛАР ҲАМКОРЛИГИ

◆ ҮН ДОВОН ОШГАНЛАР

◆ БИРИ-БИРИГА УСТОЗ, БИРИ-БИРИГА ШОГИРД.

◆ ПЕШҚАДАМЛАР НАМУНАСИ.

◆ ДАВЛАТ СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН...

БЕШЙИЛЛИКНИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ

САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

АНГРЕН—БЕКОБОД

Республикамиз кочегаркаси — Ангрен ва қора металлургия ҳамда бинокорлик материаллари маркази Бекобод шаҳар меҳнаткашлари бир неча йиллардан бери ўзаро мусобақалашиб келмоқдалар.

Мусобақа давомида саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қурилиш ишларини яхшилаш соҳасида орттирилган тажрибалар, илғор иш усуллари ва прогрессив технологияни ўзаро ўртоқларча баҳам кўрмоқдалар. Бир-бирларига ҳар соҳада устозлик ва шогирдлик қилишяпти. Вақти-вақти билан икки ўртада тузилган социалистик мусобақа шартномаларининг бажарилишини текшириб туриш ишни яхшилашга ёрдам бермоқда.

Икки шаҳар меҳнаткашлари тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йилида ҳам меҳнат жабҳасида ўзаро беллашмоқдалар. Зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Шу кунларда эса эл-юрт олдида берилган ана шу ваъданинг тўла уддасидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Корхоналар ва қурилиш ташкилотларида мажбуриятларни бажариш учун кураш қизғин тус олмоқда, социалистик мусобақа байроғи тобора баланд кўтарилмоқда. Ички резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлида тинимсиз изланиш олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнатни илмий уюштириш, иш маданиятини оширишга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунинг учун ҳам иккала шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва таннархни камайтириш борасида дуруст ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг ўтган биринчи ярмида ана шу муҳим кўрсаткичлар бўйича давлат планлари тўла ва знёдаси билан адо этилди.

Айниқса, Бекобод шаҳар саноатчилари меҳнатда катта зафарлар қучмоқдалар. Социалистик мусобақани авж олдириш, унинг оммавийлиги ва ошкоралигига эришиш, ана шу ватанпарварлик ҳаракати давомида вужудга келган янгиликлар ва ташаббусларни кенг оммалаштириш, белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларни муддатида амалга ошириш муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Бекободликлар биринчи ярим йилликда социалистик мажбуриятларини ҳам ортиғи билан бажаришга эришдилар. Маҳсулот реализацияси бўйича олти ойлик топшириқ 106 процент қилиб адо этилди. Реализация ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,9 процент ошди.

Ангрен шаҳар саноатчилари ўтган ярим йилликда мусобақадошларидан ғироз орқада қолдилар. Тўғри, шаҳар меҳнаткашлари давлат планини асосий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажардилар. Маҳсулот реализацияси топшириғи 5,3 процент ортиғи билан адо этилди. Лекин зиммага олган социалистик мажбуриятларини бажаришнинг уддасидан чиқмаяптилар. Белгиланганга мувофиқ шу йилнинг биринчи ярмида пландагидан ташқари 2 миллион 540 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишлари керак эди. Амалда эса у 200 минг сўмлик кам бўлди. Бекободликлар 6 ойга мўлжалланган мажбуриятларнинг 131,4 процент қилиб бажаришга эришдилар ёки пландагидан ташқари 3 миллион 600 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бекободликлар йиллик планни бажариш соҳасида ҳам мусобақадошларидан олдинда бормоқдалар. Улар ўтган ярим йилликда йиллик топшириқни 52,5 процент қилиб адо этдилар. Ангренликларнинг бу соҳадаги кўрсаткичи 50,5 процентни ташкил қилди, холос.

Ҳозир иккала шаҳарда ҳам қатор корхоналар ўнинчи беш йиллик ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар. Ангрендаги керамика комбинати, 9-шахта, сут заводи, Бекободдаги пахта тозалаш, сут заводи, «Цемремонт» корхонаси шулар жумласидандир. Ана шу корхоналар коллективлари шаҳар саноатчилари эришаётган ютуқларга салмоқли ҳисса қўшяптилар. Шунинг учун ҳам кўмир, керамика маҳсулотлари, пўлат, прокат, цемент, асбоцемент қувурлари ва шиферлари ишлаб чиқаришда пландагидан анча илдам борилмоқда.

ҲАР бир ишловчи ҳисобига тайёрланаётган маҳсулот миқдорини кўпайтиришда ҳам бекободликлар пешқадамлик қилишяпти. Уларнинг шу топшириқ бўйича эришган ўртача кўрсаткичлари пландагидан 6,1 процент ортиқ бўлди. Ангренликлар эса 3,7 процент знёдаси билан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Мусобақадошларнинг маҳсулот таннархини камайтириш ва қўшимча фойда олиш борасида эришган ютуқлари ҳам умуман чакки бўлмади. Бу соҳада ҳам Бекобод шаҳар саноатчилари олдинда боришяпти. Корхоналарда материаллар ва хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш, бракни камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, ички керак-яроқларни ишлаб чиқариш ва ишлатишдан олинган жамғарма миқдори 962 минг сўмни ташкил этди. Ангрен шаҳрида эса бу рақам 174 минг сўм бўлди.

Икки шаҳар саноатчилари фаолиятида жуда кўп камчиликларга ҳам йўл қўйилдики, бу давлат планларини бажаришда янада юксакроқ натижаларга эришишга маълум даражада ҳалақит берди. Шаҳарларда у ёки бу кўрсаткич бўйича планни бажармаган корхоналар ҳали ҳам анчагина бор. Бекобод шаҳридаги «Металлист» заводи қониқарсиз ишлаяпти. Олти ойлик маҳсулот реализация планини бажармаган бу корхона меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулот таннархини камайтиришда ҳам судралмоқда. Бу корхонада меҳнат унумдорлиги плани бажарилиши 66,5 процентда қолиб кетди. Маҳсулот таннархининг ошишидан завод кўрган зарар 137 минг сўмни ташкил этди.

Худди шундай қолоқ корхоналар Ангренда ҳам бор. Тўғри, шаҳарда барча саноат корхоналари коллективлари реализация планини бажардилар. Лекин, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш топшириқларини уддалай олмаётган коллективлар ҳам анчагина бор. Шаҳарда беш корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, тўрт корхона меҳнат унумдорлигини ошириш, уч корхона маҳсулот таннархини камайтириш планларини бажармади. Унумдорликни оширишда «Подземгаз» станцияси, 4-темир-бетон буюмлари заводи, гишт заводлари бошқармаси оқсамоқда. Шаҳардаги маҳсулот таннархини ошириб юборган корхоналар давлатга 280 минг сўм зарар келтирди. Бекободдаги тўрт корхона мана шу кўрсаткич планини бажармай, маҳсулот таннархининг 347 минг сўмлик ошиб кетишига йўл қўйди.

Мусобақадош шаҳарлар саноатчилари фаолиятининг биринчи ярим йиллиқдаги якунлари шуни кўрсатмоқдаки, ҳали уларда ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ёрдам берадиган барча резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Бу шаҳарлар партия, касаба союз ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари раҳбарлари ютуқларни янада мустаҳкамлаш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш учун барча чораларни кўришлари керак.

Шу кунларда бутун областимиздаги каби мусобақадош шаҳарларда ҳам КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа авж олиб кетди. Ана шу ватанпарварлик ҳаракати иштирокчилари кучғайратини давлат планлари мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишига сафарбар этиш зарур. Шу билан бирга мусобақадошлар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида тажриба алмашишни кенгайтириш, илғор коллективлар эришаётган ютуқларнинг «сир»ларини аниқлаш ва бошқалар ўртасида ёйиш, қолоқ корхоналарни илғорлар сафига етказиб олиш лозим.

* *

Тошкент метросозлари ярим йиллик планни анча ортиғи билан бажаришга эришдилар. Бундай юқори кўрсаткични қўлга киритишда «Пахтакор» — «Халқлар дўстлиги» станциялари оралиғида меҳнат қилаётган участка ишчиларининг баракали ҳиссалари бор. Улар 960 метрлик хандак йўлни жадал суръатларда қазиб ўтиб, эндиликда «Халқлар дўстлиги» станциясида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни қизғин бошлаб юборишдилар.

Метросозлар ўртасида қизғин давом этаётган съездолди социалистик мусобақасида Г. Игнаткин, Р. Эшмуҳамедовлар пешқадамлик қилишаётир.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

* *

ШАКЛ ЯНГИ, МАЗМУН ЯНГИ

Абдуманнон МИРАХОВ,
комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи

Социалистик мусобақани тўғри ташкил этиш ютуқлар гарови эканлигини ўз тажрибамизда кўриб турибмиз. Меҳнат беллашувининг самараси салмоқли бўляпти. Бунинг учун эса мусобақа моҳиятини тушуниб етиш ва уни ҳар бир ишчининг онгига сингдириш лозим. Шундагина мусобақа бутун имкониятларини, кучқудратини яққол намоён қилади.

Аввало, мусобақа илғор тажриба, прогрессив технологияни ўзаро алмашиш ва ўрганиш эканлиги, у — ким ўзарга пойга эмас, балки ўзаро ёрдам эканлигига эътибор бериш керак. Биз коллектив аъзолари ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишда шуларни амалга оширишга кўпроқ аҳамият берамиз.

Кейинги пайтларда социалистик мусобақанинг янги формалари вужудга келяпти. Янги формалар эса янги мазмунни келтириб чиқармоқда. Буюк ғалабанинг 30 йиллиги шарафига комбинатимизда цехлар, бригадалар ва участкалар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилди. Қаҳрамон шаҳарлар шарафига эълон қилинган зарбдор ўн кунликларда ҳақиқатан ҳам зарбдорчасига меҳнат қилдик. Май ойида ана шу умумкомбинат социалистик мусобақасининг натижалари кўриб чиқилди. Мусобақа якунлари бўйича бизнинг 2-цех коллективи биринчи ўринни олганлиги билан фахрланамиз. Тантанали йиғилишда цехимизга голиблик Кўчма Қизил байроғи топширилди. Шунингдек, байрамолди меҳнат вахтасида бригадамиз азаматлари ҳам фидокорона меҳнат қилиб, бригадаларарО мусобақада голиб чиқдилар.

Нина ПОПОВА,
комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи

Бошлаган ташаббусимизнинг номи «Меҳнат интизомига ва ахлоққа коллектив жавобгарлик» деб аталади. Аввало, бундай ташаббусни қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатидагина эмас, балки бутун Чирчиқ шаҳрида биринчи бўлиб бошлашимиз зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки, бу ташаббус ҳали янги, амалда синаб кўрилмаган. Россия федерациясидаги саноат корхоналарида эндигина туғилди.

Бригадамизнинг ўн беш аъзоси бор. Ташаббус шартларини мўҳокамага қўйилганда уни қувватлаганлар кўпчилик эди. Охири, ҳамма бир фикрга келди. Янгилик комбинат партия комитетида муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Бу ташаббус ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бирга коллектив ҳар бир аъзосининг ахлоқини, демакки, маънавий қиёфасининг шакллaнишини ҳам ўз ичига олиши билан характерлидир. Яна шуниси мақтовга сазоворки, бир киши учун ҳамма жавоб беради. Бу — ўзига хос равишда қонунлаштирилган.

Масалан, бригаданинг бирон бир аъзоси ҳушёрхонага тушса ёки жамоат жойларида тартибни бузса, бутун бригада коллективи устама мукофот олишдан маҳрум этилади. Уч ой мобайнида низом шартларига хилоф иш қилиб, интизомни бузган киши кейинги уч ойда ҳам мукофот олмайди.

Булардан ташқари, низом сабабсиз ишга келмаслик, кечикиб келиш ёки эрта кетиб қолиш, спиртли ичимлик ичган ҳолда цехда пайдо бўлиш, маҳаллада, қўни-қўшнилар билан жанжаллашиш каби ярамас иллатларга йўл қўймаслик шартларини ҳам ўз ичига олади.

Коллективимиз аъзолари асосан пайвандчилардан иборат. Уларнинг ҳаммаси цехдаги мавжуд уч хил пайвандни бажара оладиган илғор ёшлар. Хусниддин Абдуллаев, Неъматилла Ҳикматов, Буюкога Қулиев, Иброҳим Тўраев, Марат Халфин каби ишчиларга ҳеч қандай назоратнинг керагги йўқ. Улар тайёрлаган маҳсулотлар доимо аъло сифатга қабул қилинади.

Бригадамизда ҳамма бир-бирига дўст, ўртоқ. Буни бригина фактда ҳам кўрса бўлади: Б. Қулиев, Т. Улмасов, Г. Шварценберг каби йигитларимизни Совет Армияси сафига ўзимиз кузатган эдик, яна ўзимиз кутиб олдик. Улар олдинма-кейин хизмат қилиб келиб, яна ўз иш жойларида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

«Меҳнат интизомига ва ахлоққа коллектив жавобгарлик» ташаббуси яхши самаралар беришга ва кенг тарқалишига ишончимиз комил.

СЎЗ — МУСОБАҚАДОШЛАРГА

Ғалаба нашъаси коллективни янги марралар сари илҳомлатирмоқда. Социалистик мусобақанинг янада самарадорлигига эришишнинг янги резерв ва имкониятларини қидириб топиб, ишлаб чиқаришга жорий этишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳозирги кунларда комбинат бўйлаб «Меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси» давом этмоқда. Эстафета ҳозир бизнинг цехда. У ҳар бир йирик цехда бир ой давом этиб, кейин тантанали суръатда навбатдаги цехга топширилади. Валентина Шатова, Соня Раҳматуллина, Соня Садриева, Эльвира Галямова каби илғорларимиз эстафета даврида кунлик нормаларини бир ярим-икки баравар ошириб бажаришяпти.

Биз Нина Попова бошлиқ бригада ташаббусига қўшилдик.

Узбекистон қаттиқ қотишмалар комбинатида Абдуқодир Султоновни илғор ишчи ва ёшларнинг гамхўр устози сифатида ҳурмат қилишади. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўнлаб етук шогирдлар тарбиялаган. Суратда: А. Султонов шогирди У. Содиқов билан.

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Пойафзал фабрикамиз коллективи КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этмоқда. Ишчиларимиз ишлаб чиқаришнинг бошқа техник-иқтисодий кўрсаткичлари қатори маҳсулот сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Корхонамизнинг барча цехлари ва участкаларида жажжи фарзандларимиз учун тайёрланаётган оёқ кийимлари чидамли, кўримли, бежирим, нафис бўлиши учун қизғин кураш бормоқда.

Маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган жуда кўп тадбирлар амалга оширилмоқда. Технология жараёнлари такомиллаштириляпти, янги асбоб-ускуналар жорий қилинмоқда, заготовканинг кўнгилдагидек бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу туфайли ҳам коллективимиз қўлидан чиқаётган маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Яқинда биз ишлаб чиқараётган пойафзалнинг саккиз моделига сифат белгиси берилди. Шундай қилиб, ҳозир корхонамизда сифат белгиси билан чиқарилаётган пойафзаллар хили 20 тага яқинлашиб қолди.

М. МИРЗАКАРИМОВ,
Янгийўл пойафзал фабрикаси ишчиси.

ПЕШҚАДАМЛАР

РАЙОНИМИЗ саноат корхоналари ишчи-хизматчилари тўққизинчи беш йилликни юксак меҳнат кўрсаткичлари билан якунлаб, КПСС XXV съездини ёруғ юз билан кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажариш йўлида фидокорона ишлашяпти.

Кам сарф билан кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бошланган социалистик мусобақада «Сантехлит» заводи, пластмасса ҳамда цемент комбинатлари коллективлари пешқадамлик қилмоқдалар.

Пластмасса комбинати ишчи-хизматчилари ярим йиллик иш натижалари бўйича районда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Ўтган давр ичида пландаги 950 минг ўрнига 1 миллион 289 минг квадрат метр линолеум, 250 тонна ўрнига 315 тонна пластмасса қувурлари ишлаб чиқилди. Эришилган бу ютуққа корхонанинг қуюв ҳамда ремонт-асбобсозлик цехлари коллективлари баракали улуш қўшдилар.

Айни кунларда пешқадам корхоналарнинг ташаббуслари барча саноат корхоналарига кенг ёйилмоқда. Белгиловчи йилнинг ўтган олти ойи планини ва зиммага олган мажбуриятларини муваффақиятли бажарган кўплаб саноат корхоналари коллективлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, йил бошида қабул қилинган мажбуриятларига қўшимчалар киритишмоқда. Шу асосида социалистик мусобақа қизғин тус олаётир.

Б. ЙЎЛДОШЕВ,
Охангарон район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудири.

КАСБ МЕҲРИ

Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди, деб тўғри айтилган. Ҳамма гап танлаган касбингга меҳр қўйишингда қолган.

Буни мен ўзим мисолимда синаб кўрдим. Фабрикага дастлаб ишга келганимда ҳеч қандай касб-корим йўқ эди. Тўғрисини айтганда, қайси ҳунарни танлашни ҳам билмас эдим. Корхона коллективи мени илиқ кутиб олди. Ишчилар маслаҳати билан фрезерчилик касбини эгаллай бошладим. Дастлаб бироз қийин бўлди. Лекин, меҳрибон мураббийлар, ўз касбининг моҳирлари бўлган пойафзалчилар ўз ёрдамларини мендан аяшмади. Ўқитишди, ўргатишди, касблари «сир»ларидан мени воқиф қилишди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, орадан бир неча ой ўтгач мустақил ишлай бошладим.

Мана, шу фабрикада ишлаётганимдан бери ўн йилдан ортиқ вақт ўтди. Ишимдан хурсандман. Шу меҳнатим туфайли обрў-эътибор қозондим, кўпчиликнинг оғзига тушдим. Эндиликда мени ўнлаб пойафзалчилар «устоз» деб аташади. Ана шу биргина сўзни эшитиш қалбимни олам-олам қувончларга тўлдиради. Узимда йўқ хурсанд бўламан. Бунинг ўзига яраша масъулияти ҳам бор. Сенинг бир зум бўлса ҳам меҳнатда лоқайдликка йўл қўйишинг мумкин эмас, чунки шогирдларинг сендан ўрнак олади, кўпчиликнинг кўзи сенда бўлади. Шундай экан, иложи борича унумли ва сифатли ишлашинг даркор. Ҳаммага ўрнак бўлиб келган экансан, бундан буён ҳам шундай бўлишинг керак. Яхши ташаббусларни ҳам биринчи бўлиб қўллаб-қувватлашинг лозим.

Шунинг учун ҳам бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА — ИККИ БЕШ ЙИЛЛИК

юзасидан республикамиз тўққиз илғор ишчиси бошлаган ватанпарварлик ҳаракатидан четда қолиш мумкин эмас. Мен шу ташаббусга фабрикада биринчилар қатори қўшилдим. Имкониятларимни ҳисобга олиб, бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш юзасидан шахсий марра белгиладим. Бутун тажрибам, маҳоратим, билимимни сарфлаб ишлай бошладим. Айниқса, иш вақтидан унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Чунки, иш вақтимизнинг ҳар бир минути, ҳар бир дақиқаси қимматлидир. Фрезерловчи агрегатни ҳар доим тоза ҳолда сақлашга ҳаракат қиламан. Сменадан сўнг асосий қисмларни ўздан кечираман. У ёки бу детал, гайка ёки болт бўшаб қолса мустаҳкамлаб қўяман. Қўйингки, станогим келгуси сменада ишловчи шериғим учун доим шай ҳолда туради.

Меҳнатни ташкил этишдаги ана шундай ишлар топшириқни доим ортиғи билан бажаришимга ёрдам бермоқда. Зиммага олган мажбуриятимни муддатидан деярли саккиз ой илгари бажардим. Қўлимдан чиққан барча маҳсулотлар аъло сифат билан қабул қилиб олинди. Ҳисоблаб қарасам тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 400 минг жуфтдан ортиқроқ пойафзални ишлаб чиқариш учун етадиган қисмлар тайёрлабман.

Бу ютуқларим билан чекланиб қолмоқчи эмасман. Жонажон Коммунистик партиямизнинг навбатдаги XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ошланган мусобақага қўшилдим. Ҳозир зиммамга янги мажбурият олиб ишлаяпман. Албатта унинг уддасидан чиқаман. Шу мақсадда бутун маҳоратимни сарфлаб ишлайман.

С. ОДИЛЖОНОВ,
Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг фрезерчиси.

ЧОРВАЧИЛИК — УМУМХАЛҚ ИШИ

Ёгингарчиликнинг кам бўлганлиги туфайли ўт-ўланлар яхши ўсмади. Бу эса ўз навбатида чорвадорларни қийин аҳволга солиб қўйди. Ёз кунларидаёқ қўй-қўзи-ю, моллари боқиш чўпонлардан катта меҳнатни талаб этаяпти. Ҳадемай қиш ҳам яқинлашиб келади. Демак, чорвани синов фаслидан омон-эсон олиб чиқиш учун етарли даражада озуқа, ем-хашак ғамлаб қўйиш лозим.

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деганларидек, Янгийўл шаҳар меҳнаткашлари бу муҳим ишда район чорвадорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Саноат, қурилиш, транспорт, савдо ташкилотлари, турли муассасалар, ўқув юртлари коллективлари чин кўнгилдан, дўстона ҳамкор бўлишаяпти. Шаҳар аҳли шу кунгача 4 минг тоннадан знёд ем-хашак жамғариб берди.

Мухбиримиз Б. Пўлатов шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари О. ЗОКИРОВ билан шу хусуда суҳбатлашди. У мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

Шаҳар партия комитети ҳузурида ем-хашакни жамғариш бўйича халқ контроли комитетининг раиси С. Исмоилов раҳбарлигида штаб тузилди. Штаб аъзолари барча имкониятларни ўрганиб чиқиб, шаҳардаги ҳар бир ташкилот зиммасига норма белгилаб чиқишди. Отрядлар тузилиб, ем-хашак жамғаришга сафарбар этилди. Ҳозиргача 4 минг тоннадан ортиқ ем-хашак жамғарилди. Пахта, биохимия, темир-бетон буюмлари заводлари, мебель фабрикаси, 5-автобаза таксомотор парки, кондитер-ачитқи бирлашмаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, шаҳар савдо тармоғи, ДОСААФ коллективлари, ана шу ташкилот, муассасаларнинг партия ташкилотлари катта ташаббускорлик кўрсатишди. Отрядлар ишлаётган объектларда, шунингдек корхона ва муассасаларда ёрдамчиларнинг қандай меҳнат қилаётганликлари ҳақида молния ва варақалар чиқариб турилди. Бу ишларнинг ҳаммасида коммунистлар пешқадам. Кондитер-ачитқи бирлашмаси ишчиларидан Б. Бекмирзаев, Т. Аҳмедов, Н. Пилев, металл-пластмасса заводидан Д. Иброҳимов, Б. Эгамбердиев, Х. Эргашев, И. Нуриддинов, К. Йўлдошев каби сергайрат коммунистларнинг ташаббускорона ишларини бутун шаҳар аҳли билади. У. Юсупов номли аграр саноат бирлашмаси, Н. Ниёзов, Фрунзе номли, «Партия XXI съезди», «Интернационал» каби колхоз коллективлари оталиқ ёрдамини берган шаҳарликлардан беҳад миннатдорлар.

Шаҳар партия комитети штабнинг фаолияти устидан назорат қилмоқда. Штабда ҳар куни иш кўрсаткичларига оид ахборотлар йиғилади, шаҳар партия ташкилотига оператив равишда хабар қилинади. Анъанавий суратда ҳар ўн кунда ўтказиладиган ва шаҳар саноат корхоналарида план ва социалистик мажбуриятларининг бажарилишига бағишланадиган йиғилишларда ем-хашак жамғаришнинг бориши ҳам муҳокама қилиб борилди. Камчиликлар танқид қилиниб, илғорлар рағбатлантирилди. Шунингдек илғор тажрибаларни оммалаштиришга диққат-эътибор билан қаралди.

Июнь ойида ем-хашак жамғариш масаласи партия бюросида ҳам кўриб чиқилди. Баъзи бир корхона, ташкилотларда бу муҳим ишга жиддий эътибор бермаётганликлари кўрсатилди. Айрим раҳбарларга нисбатан чора кўришга мажбур бўлдик. Бюрода ем-хашак жамғаришни тезлаштириш мақсадида яна қўшимча тадбирлар белгиланди.

Шаҳар комсомоллари ҳам ем-хашак жамғариш ишига муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шаҳар комсомол комитети ҳузурида зарбдор комсомол-ёшлар бригадалари тузилди. Шу жумладан, озиқ-овқат техникуми студентлар отряди 250 тонна, медицина билим юртининг талабалари 400 тоннадан ортиқ ем-хашак тайёрлаб беришди.

Тан олиш керак, зарбдор икки ой биз учун жуда оғир бўлди. Ишни шундай ташкил этиш керак эдики, қишлоқ меҳнаткашлари олдида берган ваъдамизнинг устидан чиқиш, шу билан бирга ўз планимизнигина эмас, мажбуриятимизни ҳам ортиқ билан адо этиб боришимиз зарур эди. Шунинг учун ишни пухта план асосига қурдик. Ҳашарчилар ишини смена асосида олиб боришни ташкил этдик. Отрядларга раҳбарлик қилишга тажрибали, ишчан коммунистлар танлаб қўйилди.

Хўжаликларда бир пайтда мингдан ортиқ киши ўрим-йиғимда иштирок этган кунлар ҳам бўлди.

Бизга «Нормал» заводининг актив коммунистлари катта ёрдам кўрсатишди. Вақт билан ҳисоблашмай кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўли билан ўроқ тайёрлаб беришди. Қамишзорларда бемалол ишлаш учун узун қўнжли резина этик ва бошқа анжомлар ҳам ўз вақтида олиб келинди. Ўриммайғим иштирокчиларининг баракали меҳнат қилишлари учун барча шароитни муҳайё қилдик. Уч маҳал иссиқ овқат билан таъминландик. Керакли ашё ва моллар юбориб турилди.

Областда биринчилар қаторида мажбуриятимизни ошиғи билан адо этдик. Шу билан бирга шаҳримиздаги барча корхона, ташкилотлар коллективлари ўз план ва топшириқларини ҳам ошириб адо этмоқдалар. Бизда планни бажармаётган бирорта корхона йўқ.

Шаҳримиз бўйича ярим йилда пландан ташқари 5 миллион 743 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу эса мажбуриятда кўрсатилганидан 550 минг сўм кўп, демакдир. Маҳсулот реализация қилиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олти процентга ўсди. Меҳнат унумдорлиги 104 процентга бажарилди. Шу жумладан пландан ташқари 42 минг жуфт болалар пойафзали, 42 тонна мустаҳкамловчи буюмлар, 2140 сўмлик пахта толаси, 435 тонна кондитер маҳсулотлари, 230 тонна колбаса, 738 тонна сут маҳсулотлари чиқарилди.

Тўққизинчи беш йиллиқнинг охирги йилида саккиз хил маҳсулотимизга Давлат сифат белгиси берилди ва шу билан ҳозирда шаҳримизда 27 хил маҳсулот шундай юқори сифатли қилиб тайёрланмоқда.

Шаҳримиз меҳнаткашлари зарбдор йилда яна ҳам юксак уфқлар сари интилишмоқда. Шу билан бирга ўз оталиқларидаги колхоз ва совхозларга ҳар томонлама ёрдам бермоқдалар. Улар яна 200 тонна ем-хашак жамғариб беришга аҳд қилдилар.

Партия турмуши: шаҳар партия комитети ва оталиқ ёрдами

Калинин районидаги «Бўзсув» аъло навли уруғчилик совхозида мўл-кўл мева етиштирилди. Ҳар куни бу ердан шаҳар меҳнаткашларига кўплаб олма ва бошқа меваларр жўнатилмоқда. Суратда: бригада бошлиғи Зоҳид Орифжонов олмаларни кўздан кечирмоқда.

Н. Тўраев фотоси.

БАЙРОҚДОР БРИГАДИР

У гуркираб ўсаётган ғўза пайкалига етиб келганида барча бригада аъзолари ҳозир эди. Кўнгли таскин топиб, ғўза шохларидаги тугунчаларига суқланиб боқди: «Бир, икки, учтадан кўсак ҳам пайдо бўлиб қолибди».

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозининг Турдибой Абдусатторов бошлиқ бригада заршуносларг беш йиллиқнинг аниқловчи йилида 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 62,8 центнердан «оқ олтин», 34 гектарлик каноп майдоннинг ҳар гектаридан 184 центнердан «кўк олтин» етиштирдилар. Бунинг эвазига область партия комитети ва область ижроия комитетининг Қизил байроғи билан мукофотландилар.

Илгариги йилларда мазкур бригадада план ва мажбуриятлар бажарилмай қоларди ёки қониқарсиз бажарилларди. Ишчан, тажрибали Турдибой ака шу бригадага бошлиқ қилиб тайинланди-ю, бригадада меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилди. Бригаднрнинг ўзи ғўзани қўш қаторлаб экиш ҳақида ташаббус бошлади. Ҳосилдорлик ҳам йил сайин орта борди. Шунинг учун ҳам бу бригада иши ҳақида гап кетганда алоҳида, бригада бошлиғининг номи тилга олинади.

Турдибой ака 1934 йилда шу колхозда туғилди. Унинг бутун машаққатли ёшлик йиллари шу қишлоқда ўтди. 1955 йилда 4 ойлик тракторчилик курсини тугатиб келиб, дала ишларида механизаторларга яқиндан ёрдам бера бошлади. Қаерда ишламасин доимо одамлар билан бамаслаҳат иш кўрди, уларнинг тажрибасидан ўрганди.

Унинг меҳнатсеварлигига, ишчанлигига ишонч ҳосил қилган колхоз аҳли 1967 йилда уни бригадирликка сайлашди. У биринчи йилдан бошлабоқ пахта, каноп планларнинг бажарилишига катта эътибор берди. План ҳамма соҳалар бўйича ортиғи билан бажарила бошланди.

Турдибой ака Абдусатторов бошлиқ бригада аъзолари беш йиллиқнинг якунловчи йилида ҳар иккала экин—пахта ва каноп дан янада юқори ҳосил олиш учун тинмай меҳнат қилмоқдалар. Улар эрта баҳордан мавжуд экин майдонларига 240 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит ташиб чиқардилар. Бригада пахтакорлари бу йил чигитни 90х15 схемасида экишди. Ҳозирги кунда ишчан пахтапарварлар ғўзага тўртинчи ишлов беришяпти. 3 марта қондириб суғордилар. Шарбат суви оқизиляпти. Бу кўрилаётган чора-тадбирлар пахта ҳосилдорлигини гектар бошига мажбуриятда белгиланган 65 центнерлик марраси эгаллашга имкон беради.

Турдибой аканинг қилган меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксини Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва бир қанча боқиқ кўкрак нишонлари безаб турибди.

Турдибой ака кўп йиллардан бери Элтамғали қишлоқ Совети депутати сифатида қатор ишларни амалга оширди.

— Мени бу йил ҳам қишлоқ Совети депутатлигига сайлашди. Депутатлик фаолиятимда қишлоқ аҳлининг маданий турмуш даражасини яхшилаш борасида қўлимдан келганича ҳаракат қиламан, —дейди Т. Абдусатторов.

Ғ. ТОЖИБОЕВ.



Калинин районидаги «Дамачи» совхозида балиқчилик ҳам яхши ривожланган тармоқлар дан биридир. Бу ерда 13 кўл бўлиб, 235 гектар майдонни эгаллайди. Беш хил балиқ урчитиб етиштирилади. Бу йил совхоз балиқчилари давлатга 8 минг центнер тирик балиқ етказиб бериш учун курашмоқдалар. Суратда: совхознинг энг яхши балиқчиларидан бири Худойберди Раимов иш устида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ОЗУҚА КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Республикамиз партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш учун курашаётган «Заря коммунизма» колхози чорвадорлари шу кунларда чорва қишловига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар ҳар йили ҳам чорва молларидан кўзлаган маҳсулотларини олиб келишади.

Хўжаликда йилнинг ўтган 6 ойи ҳам яхши якунланди. Маҳсулот етиштириш ва давлатга топшириш планлари ошириб адо этилди. Пландаги 162 тонна ўрнига 170 тонна серқаймоқ сут сотиб олинди. Тухум тайёрлаш плани ҳам икки баравар қилиб бажарилди. 20000 дона ўрнига 40000 дона тухум олинди. Бўрдоқибоқарлар ютуғи ҳам чакки бўлмади. Давлатга пландаги 57 тонна ўрнига 65 тонна семиз гўшт етказиб берилди.

Мана шу ютуқларнинг барига колхоз чорвадорларининг чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда озуқа базаси ролининг катта эканлигини яхши билиб, иш юритишлари туфайли қўлга киритилди. Хўжаликда озуқа тобора кўпайтириляпти. Бир грамм ҳам озуқанинг исроф бўлмаслиги учун муҳим тадбирлар белгилаб қўйилган.

Бу йил колхозда 800 тонна беда жамғариш планлаштирилган. Ҳозиргача мавжуд беда-поялардан икки марта ҳосил йиғиб олинди. 400 тоннадан знёд беда жамғарилди.

Колхозда чорва молларининг тўйимли озуқаси сенаж бостириш жуда намунали ташкил этилган. Ҳозиргача 1410 тонна сенаж тайёрланди. Хўжаликда яна саноқли кунлардан кейин силос бостириш ишлари бошланиб кетади. Бунинг учун ўралар, ўриш агрегатлари, пресслаш ва ташиш тракторлари аллақачон шайлаб қўйилган.

Чорвадорлар 2260 тонна силос бостиришга аҳд қилишган. Аҳдига яраша иш юритаётган бу илғор чорвадорларнинг чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш бўйича йиллик планларини ҳам ошириб бажаришлари шубҳасиз.

С. МУСТАФОЕВ.
Қуйи Чирчиқ райони.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СУВАЙШ КАНАЛИ ЗОНАСИНИНГ ЮМУШЛАРИ

ҚОҲИРА, 23 июль. (ТАСС мухбири). Ҳали яқиндагина «арвоҳ шаҳарлар» бўлган Порт-Саид, Исмоилия ва Сувайш ҳаётга қайтиб келмоқда, Исроилнинг олти ярим йиллик агрессияси чоғида уларга етказилган жароҳатлар тез даволанмоқда.

Ҳозир Исмоилия аҳолисининг нуфузи 220 минг кишидан ошиб кетди, ҳолбуки 1967 йил бу ерда 160 минг киши яшарди. Порт-Саидда тараққиёт истиқболлари ва саноатнинг янги тармоқларини вужудга келтирилиши муносабати билан аҳоли нуфузи 320 минг кишига етди. Сувайш шаҳрида худди шундай манзара кузатилмоқда.

Исмоилия ва Сувайшнинг уйжой фонди тамомила тикланди, Порт-Саидда 70 процента тикланди. Янги уйлар қуриш ишлари олиб борилмоқда, аҳолини электр энергияси ва сув билан таъминлаш тикланди, шаҳар канализацияси ремонт қилинди.

Сувайш канали зонасидаги тиклаш ишлари раҳбаридан бири М. Ҳафиз ТАСС мухбирига бундай деди: «Биз 2000-йилгача Порт-Саид, Исмоилия ва Сувайш шаҳарлари жами аҳолисини 3,5 миллион кишига қадар етказишни мўлжаллаб турибмиз. Бу ерда муҳим саноат зонаси яратилиб, унинг маҳсулоти экспортга ва Мисрнинг ички бозорига чиқарилади. Шу вақтгача янгидан барпо этилган заводлар ва фабрикаларда 600 минг мисрлик иш билан таъминланади. Яқин йиллар ичида бу ерда 900 минг феддан янги ерлар (феддан 0,42 гектарга баравар)ни ўзлаштириш ҳам мўлжалланади».

Ж. ФОРДНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН, 23 июль. (ТАСС). АҚШ президенти Ж. Форд «Тайм» журнали билан суҳбатда Совет—Америка муносабатларига ва дунёдаги умумий вазиятга тўхталиб ўтди.

Совет—Америка муносабатларини давом эттириш лозимлигини исботлаш учун бу муносабатлар ҳозирнинг ўзидаёқ умуман ва бутунлай иккала томонга етарлича фойда келтирди. Бевосита алоқалар соҳасида ёки фан, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги битимлар ёҳуд бошқа бирон бир соҳада бўлмасин, ҳозиргача қилинган анча кенг кўламдаги ва анча самарали муносабатлар ўрнатиш имконини берадиган яхши пойдевор бўлди.

Президент ишонч билдириб айтдики, мамлакатлар кескинликни юмшатишга реалистик назар билан қарайдиган бўлсалар ҳозирги Америка—Совет муносабатларидан АҚШ билан Совет Иттифоқи ўртасидаги кескинликни юмшатиш учунгина эмас, шу билан бирга бутун дунёдаги проблемаларни ҳал этишга кўмаклашиш учун, ҳаддиданташқари тугатиш, дунёдаги нисбий осойишталикни сақлаш қуроли сифатида ҳам бундан буён фойдаланиш имконияти бор.

Ж. Форд стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги Совет—Америка музокараларининг катта аҳамиятини қайд қилди ва шу муносабат билан Владивостокдаги Совет—Америка олий даражадаги учрашуви давомида эришилган битимни ижобий баҳолади. Стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисидаги музокараларнинг биринчи босқичи олга томон таҳлилланган бир қадам бўлди, музокараларнинг иккинчи босқичи потенциал жиҳатдан янада муҳимроқ бўлади, деди у. Шу билан бирга президент АҚШ билан СССР стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида янги битимга эриша оладилар, деб умид билдирди.

Башарти шундай битимга эришилса Қўшма Штатлар «нисбатан стабиль» ҳарбий бюджетга эга бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, деди президент. Акс ҳолда, деди Ж. Форд, АҚШнинг ҳарбий ҳаражатлари анча кўпайиб кетиши мумкин. Шу билан бирга Ж. Форд стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида тузилиши мумкин бўлган битим оддий қурол-яроғларга алоқадор бўлмайди ва АҚШ армия учун ҳамда ҳарбий флот учун тузилган ўзининг қиммат турувчи программасини бундан буён ҳам бажараверади, деб таъкидлади.

Ж. Форд Яқин Шарқ проблемаси тўғрисида гапириб, бу районда «портлаш ҳавфи жуда кучли», деб тан олди. Шу муносабат билан у дунёнинг бу районида ҳам АҚШ ўзаро кураш бўлишини истамайди, деб таъкидлади.

Президент НАТОнинг жанубий қанотидаги вазият ташвишли деб айтди. У ана шу райондаги вазиятга таъсир ўтказаётган воқеалар орасида Кипр сабабли Греция билан Туркия ўртасидаги низони, шунингдек Португалиядаги ички воқеаларни тилга олди.

СОВЕТ—АМЕРИКА ЭКСПЕДИЦИЯСИ

НЬЮ-ЙОРК, 23 июль. (ТАСС). Сибирь ва Аляска аҳолисининг тарихини ўрганиш Совет—Америка планларига мувофиқ шу йил августида Совет Иттифоқида Байкал кўли атрофида қўшма археология экспедицияси ўтказилади. Коннектикут университетининг профессори Уильям Лаглин (Коннектикут штати) Строса шаҳрида ўтказилган матбуот конференциясида шу хусуда гапириб бундай деди: «Биз «Союз» ва «Аполлон» экипажларидан бамисоли эстафета қабул қилиб олаётганлигимиздан хурсандмиз. Биз ҳаммамиз космос соҳасида иш олиб бораётган олимларимиз, инженерларимиз билан ва космосда Совет—Америка ҳамкорлиги мумкин, мақбул ва зарур эканлигини бутун дунёга исботлаган космонавтларимизнинг ўзи билан фахрланамиз».

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПАРРАНДАЧИЛИК КОНВЕЙЕРДА

БЕРЛИН. Дрезден яқинидаги Радебург шаҳарчасида ГДРнинг саноат қўламида парранда боқиладиган катта комбинати жойлашган. Комбинат фермаларида боқилаётган 700 минг товуқ ҳар йили 150 миллиондан ортиқ тухум беради. Комбинат ушбу маҳсулотни, шунингдек минглаб тонна парранда гўштини юқори Эльба индустриал аҳолисига юбориб туради.

ГДРда механизациялаштирилган паррандачилик комбинатларини яратиш йўли булгур қишлоқ хўжалигининг шу соҳасида рекорд миқдорда маҳсулот етиштиришини таъминлади. Дўконларга 4 миллиард донадан знёд тухум юборилди. Бу план топшириғидан анча ошиб кетди.

ТУҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ЮКСАЛИШДА

БУДАПЕШТ. Шу беш йиллиқда Венгриянинг тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ривожланмоқда. Бу йил мана шу соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш 1970 йилдагига нисбатан 35—40 процент кўпаяди.

Беш йилликнинг ўтган тўрт йили ичида тўқимачилик саноати корхоналарида меҳнат унумдорлиги 45 процент кўпайди, шу вақт ичида олинган фойда эса 70 процент кўп бўлди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бир қаторда унинг хилларн кўпайди, сифати яхшиланди.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бу ерда шаҳарлардаги шовқинга қарши кураш масалаларига бағишланган симпозиум ўз ишини бошлади. Симпозиумда 200 га яқин бразилиялик олимлар, шунингдек кўпгина мамлакатлардан келган мутахассислар қатнашмоқдалар.

Бразилияда шаҳар шовқини проблемаси тобора актуал бўлиб бормоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, бразилияликлар орасида асаб касалликларининг 75 процента одам организмига ҳаддан ташқари товуш таъсиротларидан келиб чиқар экан.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопиянинг мувақкат ҳарбий комитети қурғоқчилиқдан зарар кўрган районларнинг аҳолисига ёрдам кўрсатишларини бошлаб юборди. 1974 йилнинг ноябридан шу районларнинг аҳолисига ёрдам кўрсатиш борасида икки йилга мўлжалланган программа амалга оширилмоқда.

Эфиопия информация агентлигининг хабар беришича, ҳозирга қадар қурғоқчилик қурбонларига экиш учун ўн минг тонна чамаси дон ва 400 тонна озиқ-овқат тақсимлаб берилган. Мамлакат шимолидаги вилоят — Эритрея аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун қарийб 190 минг эфиопия долларн ажратилди.

БАШИНГТОН. Қўшма Штатларда қимматчилик ҳамон кучайиб бормоқда. Меҳнат министрлигининг ҳабар қилишича, июнь ойида чакана нархлар яна 0,8 процент кўпайтирилди, бу эса ўтган йил сентябридан бери ойлик энг катта сакраш бўлди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва бензин айниқса қимматлашди.

(ТАСС, 23 июль).

Номаълум ҳайкалтарош уста томонидан XIX асрда яратилган А. И. Герценнинг бу портрети кўп йиллар давомида Швейцарияда яшовчи буюк рус ёзувчи революционерининг эвараси онласида сақланган. Яқинда инженер-химик Серж Герцен мазкур ҳайкални Москвада ташкил этилаётган А. И. Герцен музейига совға этди.

П. Егоров ва Ю. Коришлов фотоси.

ТОШКЕНТ ТЕАТРИНИНГ МОСКВАДАГИ АФИШАЛАРИ

Максим Горький номли Тошкент академик драма театри Москвага гастролга жўнаб кетди. Москва саҳнасида ўз санъатини бундан илгари уч марта муваффақиятли намойиш этган ижодий коллектив бу гал ҳам ўз анъанасига содиқ қолди: театр коллективи мамлакатда биринчи бўлиб Ўзбекистон саҳнасида қўйилган асар билан ўз чиқишларини бошлайди. Тошкент коллективи Горькийнинг «Клим Самгининг ҳаёти» романини, М. Шолоховнинг «Улар Ватан учун жанг қилганлар» асарини, Ч. Чаплининнинг «Рампа чироқлари», ҳинд ёзувчиси П. Доссиннг «Тарбияси бузилган бола» қиссасини ҳамда совет ва чет эллик муаллифларнинг бошқа асарларини ўз саҳнасига қўйган. Горький номли театр бу гал москваликлар ва пойтахт меҳмонлари билан учрашувни К. Симоновнинг «Тириклар ва ўликлар», «Солдат бўлиб туғилишмайди» романлари асосидаги «Кичкинагина докторша» саҳнавий композицияси билан бошлайди. Бу асар ғалабанинг 30 йиллигига бағишлаб қўйилган.

Москвада ёпиштирилган эълонларда турли жанрлардаги асарлар бор. Машҳур ўзбек режиссёри, СССР халқ артисти К. Ёрматов билан ёзувчи М. Мелкумов сценарийси асосида яратилган «Ташвиш ва умид айёми» спектаклида Хоразм халқ республикаси ўзининг биринчи ордени билан Владимир Ильич Ленинни мукофотлаганлиги тарихий факти кўрсатиб берилади. Тошкентлик артистлар қирғиз ёзувчиси Ч. Айтматовнинг «Момо ер» асарини, И. Дворецкийнинг «Саша Белова» деган янги пьесасини кўрсатадилар. Москвага А. Сухов—Кобилиннинг «Дело», В. Шекспирнинг «Хатолар комедияси», ҳозирги замон Америка драматурги Т. Уильямснинг «Ҳоҳиш трамвайи» деган асарлари ҳам олиб келинган.

(ЎзТАГ).



ҚИШЛОҚ ЙЎЛИ. Н. Тўраев фотоэтюди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

9-ПОЛИГРАФЧИЛАР ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ — ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЛИНОТИПИСТ, ҲАРФ ТЕРУВЧИ, ПЕЧАТНИК ВА МУҚОВАЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Билим юртига 15—16 ёшдаги 8-синфни тамомлаган ўғил ва қиз болалар қабул қилинади.

Билим юртини тамом қилганлар тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом оладилар. Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига ўқишга юборилади.

Билим юртида ўқиган муддат узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртида машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртига қабул қилинганлар бепул кийим-бош ва 3 маҳал овқат билан таъминланадилар.

Зарурий ҳолларда ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, маълумоти ҳақида гувоҳнома, мактабдан характеристика, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Нурхон кўчаси, 21-уй (6, 7, 9, 11, 13-троллейбуслар ва 2, 3, 6, 24, 33, 34, 50, 54 ва 131-автобусларнинг «Волгоград кўчаси» бекати). Телефонлар: 77-10-56; 77-10-33.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕТРИ

1 АВГУСТДА ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ МАВСУМИНИ

„БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ“

СПЕКТАКЛИ БИЛАН ОЧАДИ

СПЕКТАКЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА БОШЛАНАДИ.

Касса соат 10 дан очиқ.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

27 ИЮЛДА

СССР чемпионати олий лиганинг

«ЧЕРНОМОРЕЦ» (Одесса) —«ПАХТАКОР» (Тошкент)

командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Дублерлар 26 июлда учрашадилар.

Матчлар кеч соат 7 да бошланади.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

Мактаб ўқувчилари областимиздаги 80 дан ортиқ пионер лагерларида ҳордиқ чиқаришмоқда. Шу кунларда икки смена тугаб, учинчи сменага ҳозирлик кўрилмоқда.

Чимёндаги туризм базасида 500 га яқин ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда. Улар уч ва беш кунлик походларга ошиқишяпти. Катта Чимён ва Кичик Чимён тоғларига чиқишяпти.

Бўйдан ташқари, областимизда 30 дан зиёд дам олиш ва меҳнат лагерлари ташкил этилган. Усмон Юсупов номли аграр саноат бирлашмасида ва Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида, Калинин районидаги Охунбоев номли, «Ленин йўли» колхозларидаги лагерларда ўқувчилар ҳам меҳнат қилиб, ҳам кўнгилли ҳордиқ чиқармоқдалар. Улар меҳнатдан сунг турли темаларда мунозаралар, спорт мусобақалари ҳам ўтказиб турадилар.

ТАБИАТ ОҒУШИДА

«Таштекстильмаш» заводига Сочидан хат келди. Уни завод ишчиси Қодир Қосимов ёзган эди. «Бизни жуда ҳам яхши қабул қилиб олишди, мириқиб ҳордиқ чиқаряпмиз», деб ёзиби у.

Корхона ишчилари ўз меҳнат отпускаларини марказий ва республика курортларида, дам олиш уйларида утказмоқдалар. Пресслаш цехи ишчиси Л. Ладушкин Кисловодскда, слесарь Р. Исҳоқов Минерал сувлар санаторийсида, инженер-конструктор Н. Зуев эса Ялтада ҳордиқ чиқаряптилар. Завод йўлланмаси билан ўтган ойларда марказий ва республика курортларида юзга яқин ишчи дам олиб қайтди.

— Икки кунлик дам олиш уйларимиз ҳам ҳозир ишчилар хизматида, — дейди завод касаба союз комитетининг раиси Комил Обидов. — Арнасойда қирқ ўринли дам олиш уйи бор. Шанба ва якшанба кунлари ишчилар ўз оила аъзолари билан шу ғўзал соҳил томон йўл оладилар. Икки кун табиат оғушида ҳордиқ чиқариб, чарчоқларини ёзиб, янги иш ҳафтасига янги куч билан келадилар.

МУҲАББАТ

(ҲИКОЯ)

Таътилга чиққан Шавкат туғилиб ўсган қишлоғига келди. Уфққа туташ далалар, канал бўйидаги ажойиб боғ, энг қимматлиги мактабда бирга ўқиб ўсган ўртоқларини ҳар доим, ҳар онда кўргиси келар, ўша ларни соғинар эди.

У қишлоққа эрта тонгда келиб тушди. Ўз уйига кириб борганда онаси тандирга ўт қалаётган эди.

— Вой болагинам, нега хабар бермадинг?! — деб Шавкатга пешвоз чиқди она.

Шавкат шинам кийинган. Оқ нейлон кўйлак. Кун беҳад иссиқ бўлишига қарамай — қора шим, қора туфли. Шунинг учунми онасининг вазмин кўришишлари унга қўпол ва дағал туюлди. Шавкат ўзини тортиброқ турди. Ахир онаси уни маҳкамроқ қучоқлаб олса, оппоқ ва тонгда даз-молланган кўйлакларини ғижим қилиб қўяди-да.

— Саломатмисизлар? Ўзингиз бақувват юрибсизми ойи? — деди у ўзини орқароққа тортиб.

— Раҳмат, болам! — она энди айвонга югурди.

Ўғлига жой соламан деб таҳмондаги ёстиқ, кўрпачаларни ағдариб юборди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди бироз ҳижолат тортиб, — яна меҳмон келади.

Икки қават кўрпачага шими ғижим бўлишидан чўчиган Шавкат омонатгина ўтирди.

Она эса ҳамон гирди-капалак;

— Шавкатжон тузукроқ ўтир, ўз уйинг-ку, ахир!

— Ҳозир, ойи. Аввал кийимларимни алмаштириб олай, сўнг, — деб жавоб берди ўғил, — дадам қанилар!

— Ҳали замон келиб қоладилар даданг. Даладалар! Ғуни билан ғўзаларни суғоряптилар.

Шавкат индамади. Урнидан туриб, уйга кирмоқчи бўлиб, остонада тўхтади.

— Ойи, дадамларнинг уйда киядиган кийимларидан беринг.

— Ҳозир, болам!

Она елпиллаб уйга кириб кетди-да, янги шим ва халат олиб чиқди.

— Ма, шуни кияқол!

Шавкат шимни қўлига олиб,

— Бу ҳали яп-янги-ку! — деди.

— Ҳа, янги! — деди онаси тасдиқлаб, — киявер.

— Эскироғидан йўқмиди?

— Киявер! Ейилиб қолармиди, киявер, Шавкатжон! — она энди тандир бошига югуриб кетди.

Ўғил онасининг бу гапини эшитди-ю, ўз муносабатидан ҳижолат чекди.

Она-бола нонуштага эндигина ўтирганларида елкасига кетмон ташлаган отаси кириб келди.

— Отаси, суюнчини чўзинг, ўғлингиз шаҳардан келди! — она ўз эрига пешвоз чиқди.

Отанинг қўпол ва дағал қўллари ўғлини қўксига тортди.

— Омонмисан?

— Раҳмат!

Ўтирдилар. Шавкат қаймоққа тандирдан янги узилган нонни бир-бир тўғрар экан, бир йил қишлоққа кела олмаганидан ҳижолат тортиб дам отасига, дам онасига қараб қўярди. Ота-она эса асло гина қилишмас, ўғиллари катта йигит бўлиб қолганидан хурсанд бўлишиб, ич-ичларидан севиниб қўярдилар.

— Ўқишларинг тугаб қолдими? — сўради чой орасида она.

— Яна бир йил қолди.

Содда ота гапга аралашди.

— Нималикка ўқияпсан ўзи? — Шавкат қаҳ-қаҳ отиб кулди-да:

— Милиционерликка! — деди.

Ота ишониб:

— Йўғ-эй! Қишлоқ милиционери Карим мўйловнинг нонини яримта қилма, ўғлим! — деди.

Ўзини ҳамон кулгудан тўхтата олмаган Шавкат: — Ҳар келганимда шуни сўрайсиз! Агроном бўляпман ота, агроном, — деб жавоб берди.

— Мен қайдан билай, болам! Бизлар одми одаммиз. Тезроқ ўқишларинг тугай қолсину, қишлоққа тезроқ қайт!

Шавкат индамади. Ахир, у ўқишни тугатиб, министрлик бошқармаларидан бирига жойлашишни мақсад қилиб қўйган эди. Ахир боболаримиздан «Каттароқ қозонда қайнаш керак!» деган гап қолган-ку! Айниқса, агрономга бу нарса биринчи галда-ги вазифа деб тушунарди Шавкат. Отасининг ҳозирги гапи эса...

Шавкат бироз дам олгач: — Ойи! — деди, — мол боқиб катта бўлган жойларимни бир айланиб келай!

Оқ шляпасини бошига қўндириб, у ташқарига чиқди. Канал уларнинг уйига яқин бўлгани учунми, майин шамол юзларига урилди.

У ўсиб катта бўлган тупроқ кўча ҳозир асфальтланибди. Бир дақиқа болалигига қайтмоқни орзу қилиб, оёғидаги туфлини ечиб, яланг оёқ юра кетди. Сал юрмаёқ оёқлари жазиллаб куя бошлади. Шошган одамдек чопа кетди у.

Канал томонга сўқмоқ бошланди. Бу сўқмоқ тупроқ йўл эди. Шавкат тўрт эллик трупоқни титиб-титиб, ортида чанг қолдириб канал томонга кетди. Кўёш нурини эмган тупроқ унинг оёқларига хуш ёқар, ором бахш этарди. Шавкат канал бўйига яқинлашганда қатор тут дарахтлари атрофида беш-олти бола мол боқиб юришар эди. Уларга бир дақиқа тикилиб қолган Шавкат:

«Салом, менинг болалигим!» деди пичирлаб.

У канал бўйига ечиниб қўйди-да, мўздек пишиниб-пишиниб ювинди. Енгил тортгандек ҳис қилди ўзини. Халатини елкасига ташлади-ю, канал бўйлаб кетди. У кўрмай қолган экан, нариги тут тагида икки йигит бир қарич келадиган ажириққа ёнбошлаб олиб ухлаб ётишибди. Ёнларида кетмон.

Сувчи бўлсалар керак. Шавкат яқинроқ бориб ғексиз уфққа туташ пахта даласига кўз қадади.

Эгатларда милдириб сув оқиб ётарди. Йигитлар эса... Шавкат билан бир синфда ўқиган болалар эди. Улар мактабни тугатиб, колхозда ишга қолишган эди. Шавкат уларнинг тепасига борганда ҳам, улар сезишмас, қуёш тиккага келганда ола-чалпак соя чим устида маза қилиб ухлаб ётишар эди.

«Қанчалар маза-я!» — пичирлади Шавкатнинг лаблари. — Бу ларда на имтиҳон ташвиши, на стипендия орзуси бор. Фақат меҳнат лаззати-ю, ҳалол юраклари!»

— Ҳой, Ҳошим! — Шавкат йигитлар тепасига келди.

Ҳошим кўзларини ишқалаб уйғонди. Унинг чеккасига чим ўз нақшини солиб қўйган эди. У чеккасидаги нақшларини ишқалаб-ишқалаб тепасидаги тиқ турган йигитга кўз қадаб қўйди:

— Шавкатмисан?

Урнидан тик турди. Ҳошим ва Шавкатга қучоқ очди. Унинг қийқириғидан ёнидаги йигит ҳам уйғонди. Уч ўртоқ чим устида давра қурдилар.

— Ўзингмисан? — деб такрор сўради Ҳошим.

— Кўриб турибсан-ку, ўзимман!

— Мен сени энди шаҳарлик бўлиб кетдингми, деб ўйлаб юрардим. Қанча замонлар бўлди кўришмаганимизга.

— Минг йил! — қаҳ-қаҳ отиб кулди Шавкат.

— Икки минг йил, дегин! — гапга Анвар аралашди.

Улар анча суҳбатлашиб, нималарнидир эслаб роса кулишди.

— Ўртоқ агроном, — деди Ҳошим, — ўқишни тугатиб келдингми?

— Қирқи тугади, бири қолди, — жавоб берди Шавкат.

— Қишлоққа қайтасанми? — бу саволни Анвар берди. Бир дақиқа ўйлаб қолган Шавкат: — Албатта! Бу ерни ташлаб қаерга ҳам борардим? — деб юборди.

Юрагига ўз қишлоғи ва ёшлиги яна меҳр билан кириб келган эди. Шавкат ўз фикридан шунчалар тез қайтишини асло ўйламаганди. У илмий ходим бўлиш учун, албатта, шаҳарда яшаш зарур, деб ўйларди. Аммо, қишлоққа келди-ю, қишлоқ ҳаётида қилинадиган ишлар кўп эканлигини ҳис қилди.

— Мен албатта қишлоққа келаман. Ўз қишлоғимда ишлайман — деди у ўртоқларига.

— Оқшом сеникига борамиз, Шавкат! Барча синфдошларни айтаман, майлими? — суради Ҳошим.

— Марҳамат Эшгимиз дўстларга доимо очиқ!

Шавкат яна канал бўйлаб кетди. Бояги сўқмоқ йўлдан ўтаётганда, рўбарўдаги эшикдан қизил кўйлакли бир қиз чиқди-да, Шавкатга кўзи тушиб тўхтаб қолди. Шавкат ҳам тикилиб қолди қизга. Мунча гўзал у! Қорамағиздан келган юзаларидан нур томади. Кўз деган шунчалар ҳам чўғли бўладими? Ёндиради-я!

— Бу Шавкатдан иккими ёки уч синф пастда ўқиган Дилбархон-ку!

— Бу сен...,

Йўқ-эй, сизмисиз, Дилбархон! — дудуқланди йигит.

— Мени танимадингиз-а, Шавкат ака! — қиз жилмайди. —

— Ҳа, ўша Дилбарман.

О, жилмайиш ҳам шунчалар сеҳрли бўладими? Қиз юзидаги кулгич йигит кўзларига Зуҳро юлдузига ўхшаб кўринди. Қизнинг лаби устидаги мошдек ҳол ҳам йигит кўзидан қочиб қутилолмади.

— Танидим, Дилбархон! Ўзимни ҳам сиз орқали таниб тургандайман, — Шавкат даб-дурустдан шундай деб юборди.

Қиз ҳам бу илмоқни сезиб қолгандай:

— Нега унақа дейсиз? — деди юзларини яшириб.

— Сизнинг қаршингизда, Дилбархон, мен ҳайкал бўлиб қолдим, — Шавкат дарров мақсадга кўча қолди.

— Шоир бўлиб кетинг-эй, Шавкат ака! Чиройли гапларни ўрганиб олибсиз.

— Чиройли гаплар чиройли қизларга ярашади.

— Шаҳарда мендақа қизлар кўп-дир! — қиз ҳам бўш келмасди.

Бир дақиқа ичида шунчалар ўзгариш ва гаплар бўлишини ҳис қилмаган Шавкат, қизга тикилиб турди-да:

— Дунёда ягона эксансан, Дилбар! — деб юборди.

Узоқдан эшак миниб келаётган бир чол кўринди. Йигит билан гаплашиб туришни ўзига ор, деб билган Дилбархон:

— Хайр, Шавкат ака! — деди-ю орқасига бурилди.

Белини чулғаб олган қоп-қора сочлари шалола каби силкиниб кетди. Шавкат эса бир дақиқа қиз ортидан қараб турди-да, йўлида давом этди. Юрагини эса қандайдир бир чўғ чизиб ўтган эди. Балки муҳаббат учқуни илашгандир. Ялангоёқ билан иссиқ тупроқни чизиб-чизиб қадам ташлаган йигит девор оша уни кузатиб турган қизнинг нигоҳларини сезмади. Фақат юрагидан шундай нидолар қуюларди:

— Салом, менинг азиз кишиларим!

Салом, менинг азиз қишлоғим!

Салом, менинг биринчи муҳаббатим!

Унинг нидоларини канал бўйидаги букчайган, кўп йилларни кўрган қари тол қарсак чалиб қарши олди. Енгил шамолда эса кўк юзидаги бир бўлак булут оқ кема каби сузиб ўтди.

ТЎЛҚИН.

Спорт

ШАХМАТЧИЛАР БАҲСИ

Мамлакатимизнинг турли шаҳарларида СССР халқлари VI спартакиадаси финал мусобақалари қизғин давом этмоқда. Ригада шахматчилар ўзаро баҳслашмоқдалар. 1—6 ўринлар учун курашда РСФСР командаси олдинда келмоқда. У Москва командасини 8,5:05 ҳисобида мағлубиятга учратди. 7—12 ўринлар учун бўлаётган мусобақада эса Ўзбекистон вакилари пешқадамлик қилишаяпти. Финал учрашувида шахматчиларимиз Литва вакиллари устидан 7:2 ҳисобида муваффақиятга эришдилар. Ҳозир командамиз ҳисобида 13 очко бор. 13—17 ўринлар учун мусобақалашаётган командалар турнирига эса Қозоғистон шахматчилари пешқадамлик қилишмоқда.

Самарқандда эса шахматчиларнинг биринчи лигадаги давомида 15 шахматчи иштирок этмоқда. Мусобақа қатнашчилари келаси йилда олий лигада қатнашиш ҳуқуқини олиш учун ўзаро курашмоқдалар. Ҳозирча олмаликлик В. Аъзамов турнирда пешқадамлик қилаяпти. У 12 турда 9 очко тўплади. Тошкентлик В. Егин ва фарғоналик В. Манин пешқадамга нисбатан ярим очко кам тўплашган.

БИРИНЧИ ДАВРА ТУГАДИ

Биринчи лига командалари ярим йилдан ўтдилар. Улар мамлакат чемпионатида узаро ун тўққиз марта учрашиб, биринчи даврани якунладилар. Турнирга ҳамон Минскнинг «Динамо» командаси пешқадамлик қилаяпти. Динамочилар 19 учрашувда 26 очко тупладилар. Команда сафида Греонев, Байдачина, Боговик каби донгдор футболчилар қатнашмоқдалар. Улар ҳиссаси билан команда ун мандонида ҳам, рақиб мандонида ҳам кетма-кет муваффақият қозониб келмоқдалар.

Одатда командалар рақиб майдонида сустроқ иштирок этади. Динамочилар эса меҳмонда 20 имкониятдан 12 очко тўплашди. Бу олдинги йилдагига нисбатан уч марта кўпдир.

Иккинчи ўринда 24 очко билан Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси келаяпти. Кутаисининг «Торпедо» командаси ҳам шунча очко тўплаган. Аммо тўплар нисбати бўйича Куйбишев вакиллари олдиндалар. Улар рақиб дарвозасига 34 та тўп киритишган. Команда ҳужумчиси Аряповнинг ўзи рақиб дарвозасини ўн бир марта забт этган.

Биринчи лига футболчилари орасида ҳозирча «Қайрат» ҳужумчиси Ионкин энг маҳсулдор бўлиб турибди. У биринчи давра давомида рақиб дарвозасига 15 та тўп киритди. Энг кўп тўп ўтказишда эса «Олға» командаси биринчи ўринда. 19 учрашувда рақиблар «Олға» дарвозасига 39 та тўп киритишди. Команда етти очко билан турнирнинг сўнгги поғонасида келмоқда.

Командаларнинг иккинчи давра учрашувлари жуда ҳам кескин бўлиши табиий. Чунки, олий лигага йўлланма олиш истагини билдирган командалар жуда ҳам кўп. 7 та команда 22—24 очко тўплаган ҳолда 26 очколи пешқадам билан изма-из келаяпти. Ваҳоланки, олий лигага энг кўп очко тўплаган фақат иккита команда қабул қилинади.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНАТИДА

Еш футболчиларнинг республика чемпионатини ўтказиш кейинги пайда одат тусига кириб бормоқда. Чемпионатда қатнашаётган командалар сони йилдан-йилга ўсиб бораяпти. Бу йилги чемпионатда республикамиз шаҳар ва областлари, корхона ва ташкилотларнинг 16 та командаси қатнашаяпти.

Командаларнинг кўпчилиги ўзаро беш мартадан учрашишди. Ҳозир Қаршининг «Тонг» командаси етти очко билан олдинда келмоқда. Андижоннинг «Шаҳрихон» ва Олмалиқнинг «Металлург» командалари ҳам еттитадан очко тўплашди. Лекин тўплар нисбати бўйича «Тонг» олдиндадир. Тошкентнинг «Трактор» командаси эса олти очко билан тўртинчи ўринда келяпти.

Кейинги баҳсларга «Пахтакор»нинг ёшлар командаси ҳам қўшилди. Еш пахтакорчилар иккита учрашув ўтказишди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. «Камалак». 18.55— «АХБОРОТ». 19.10 — «Халқаро хотин-қизлар йили». 19.40 — Ватангадолар (бадиий фильм, 1-серия). 21.10 — «АХБОРОТ». 21.30 — Москва. «Аполлон» космик кемасининг қўндирилиши тўғрисида репортаж. 21.45 — Концерт. 22.00 — «Инсон, ер, коинат». 22.45 — ТОШКЕНТ. Шифокор суҳбати. 23.00 — «Пахта ва сув». 23.25 — Най наволари. 24.00 — МОСКВА. **«Вақт». ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. «Камалак». 17.30 — МОСКВА. 19.20 — **ШКИД республикаси** (бадиий фильм). 21.30 —ТОШКЕНТ. «Замандас». 22.15 — «Инсон ва қонун». 22.45 — МОСКВА. **Ака-ука Карамазовлар** (бадиий фильм, 3-серия). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00— ТОШКЕНТ. 20.05 Концерт. 20.45 — «Тошкент ва тошкентликлар». 21.20 — Балет ҳақида. 21.50 —Пойтахт янгиликлари. 22.05 — **Хўжа Насриддиннинг 12 қабри** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «НУКУС», (кундуз ва кечқурун).

Есения — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16.00, 18.30, 21.00), «ДРУЖБА» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.40).

Маккеннининг олтинлари — «ДРУЖБА» (13.00, 14.30, 17.00, 19.30).

Унинг ҳаётидаги эрканлар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 14.00).

Еввойи гуллар (жуфт соатларда), **Шубҳадан ҳоли киши устидан тергов** (тоқ соатларда) — «ЎЗБЕКИСТОН».

Соқов ва севги — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими бўйича Давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲАР 40-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975-76 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобиллар ремонти бўйича слесарлар, енгил автомобиллар ремонти бўйича слесарлар (ўқиш муддати — 1 ва 2 йил), **бўёқчилар ва дурадгорлар** (ўқиш муддати—2 йил), **дурадгорлар, ташқи тармоқлар бўйича слесарь-сантехниклар** (ўқиш муддати 1 йил).

БИЛИМ ЮРТИГА КАМИДА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 14-17 ЯРИМ ЕШЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар — кунига 3 маҳал овқат, форма кийими ва махсус кийим билан таъминланадилар.

«Ташплодоовошчторг» идорасининг ОКТЯБРЬ УЛГУРЖИ-ЧАКАНА БЎЛИМИГА **сабзавот магазинларида ишлаш учун**

Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган сотувчилар, экспедиторлар, омборчилар

КЕРАК

Ишга 18 ёшдан юқори бўлган, сотувчилик ҳунарига ўқитиш учун эса 8-10 синф ҳажмида маълумотли ва 17 ёшдан кичик бўлмаган кишилар қабул қилинади.

Телефон: 44-63-40.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй. Аҳолини ишга жойлаштириш, ва ахборот бюроси ва Тошкент шаҳри район ижроия комитетлари қошидаги инспекторларга учрашилсин.

Тошкент область, Калинин районидаги Карл Маркс номли колхоз правлениеси, партия, комитети, касаба союз ва комсомол ташкилоти колхоз партия комитетининг секретари

Ҳоким ҚУЧҚОРОВнинг

узоқ давом этган оғир касаллиқдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р—14062. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—3424.